



Conditions for developing musical and aesthetic culture in young people

Karamatdin ZARETDINOV¹

Uzbekistan Institute of Arts and Culture Nukus branch

ARTICLE INFO

Article history:

Received April 2025

Received in revised form

15 May 2025

Accepted 15 June 2025

Available online

25 June 2025

Keywords:

music,
aesthetics,
education,
teacher,
method,
radio,
television,
literature.

ABSTRACT

The article discusses how the method of spiritual-educational and musical-aesthetic education of young people, especially students, is an important approach for music teachers. It explains that musical values shape students' worldviews, enhance their understanding, thinking, and social relationships, and create opportunities for them to deeply grasp the core meaning of phenomena. Additionally, the text emphasizes the significance of spiritual and moral education in this context.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss3-pp54-57>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ёшларда музика-эстетик маданиятни шакллантириш шарт-шароитлари

АННОТАЦИЯ

Yoshlarni, ayniqsa, talabalarni ma'naviy-ma'rifiy va musiqiy-estetik tarbiyalashda tarbiyalash uslubi musiqa o'qituvchisi uchun muhim usul ekanligi, musiqiy qadriyatlar talabalar dunyoqarashini shakllantirishi, ularning tushunishi, tafakkuri, ijtimoiy munosabatlari, hodisaning tub ma'nosiga chuqur kirish imkoniyatini yaratishi, shuningdek, ma'naviy-axloqiy tarbiyaning ahamiyati haqida so'z boradi.

Калит сўзлар:

музыка,
эстетика,
тарбия,
педагог,
метод,
радио,
телевидение,
адабиёт.

¹ Associate Professor, Dean of the Faculty of Technogenic Art and Art History, Uzbekistan Institute of Arts and Culture Nukus branch.

Условия формирования музыкально-эстетической культуры у молодежи

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

музыка,
эстетика,
воспитание,
педагог,
метод,
радио,
телевидение,
литература.

Речь идет о том, что метод воспитания молодежи, особенно студентов, в духовно-просветительском и музыкально-эстетическом аспектах является важным инструментом для учителя музыки. Музыкальные ценности формируют мировоззрение студентов, способствуют развитию их понимания, мышления, социальных отношений, создают возможность для глубокого проникновения в суть явлений. Также подчеркивается важность духовно-нравственного воспитания.

Мусулмон мамлакатларини, хусусан қорақалпоқ халқининг маънавий-ахлоқий тарбиясига хос асосий хусусиятлари бошқа миллатлар тарбиясидан фарқли ўлароқ, асосан умуминсоний қонун-қоидаларга мойиллиги билан характерланади. Мазкур тарбия тизимининг ўзига хос хусусияти бу катталарга нисбатан чуқур ҳурматда бўлиш, улар олдида одоб сақлаш, уларнинг илтимос ёки истакларини сўзсиз бажариш, уларнинг буюрган ишларини беками-кўст бажаришга одатланиши билан ажралиб туради.

Ёшлар тарбиясида, хусусан, талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ишонтириш методи асосий ўрин тутати. Педагог олимларнинг фикрига кўра, ишонтиришни – метод сифатида ўтиш кераклиги кўп йиллар давомида тан олинган.

Шахс, хусусан, талабалар бирон ишни амалга оширишдан олдин ўз хатти-ҳаракатларининг натижасини уни ўраб турган атроф муҳит ва жамоанинг талаби билан солиштириб кўради ҳамда ўз обрўсини кетказмаслик учун ҳаракат қилади.

Ишонтириш усули мусиқа ўқитувчиси учун ҳам муҳим метод бўлиб, у талабаларнинг онгига, руҳига чуқур таъсир этувчи восита сифатида мусиқа садолари остида муваффақиятли амалга оширилади. Айниқса, мусиқий қадриятлар талабалар дунёқарашини шакллантириб, уларнинг онгига, тафаккурига, ижтимоий муносабатларига, воқеликнинг туб маъзига чуқур етиб боришга имкон беради.

Мусиқий тўғарак ўқитувчиси талабаларга етказмоқчи бўлган ғояни ишонарли қилиб тушунтириб, унинг руҳиятини ҳаракатга келтира олсагина талабаларни мусиқий таълимнинг турли фаолиятларига жалб қила олади, яъни ўз хоҳиш-истаги билан меҳнат қилишга киришади. Бунда ўқитувчининг маҳорати, жонли суҳбати, ибораларнинг мантиқан асосли бўлиши, аниқ фактларга таяниши, ҳис-ҳаяжон билан ўз фикрини ифода эта олиши талабаларни ҳам ўз истагига етаклай олиши мумкин. Айниқса, ўқитувчининг ҳаётий мисоллари халқ ҳаёти, миллий анъаналари ва қадриятларига таяниб айтган сўзлари талабаларни ҳаяжонга солиши ва ишонч билан, фаол меҳнат қилишига олиб келади.

Талабаларнинг тафаккури баркамол бўлиб ўсишда мактаб жамоаси, ота-оналар, турли оммавий ахборот воситалари радио, телевидение, адабиёт, санъатнинг хилма-хил соҳалари ва мусиқа санъати муҳим роль ўйнайди.

Тажрибали мусиқа тўғараги ўқитувчиси талабаларнинг миллий мусиқий-эстетик тарбиясини муваффақиятли амалга оширишда унинг ҳаёти билан бевосита алоқадор бўлган инсонлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар.

Айниқса, ўспирин ёшидаги талабалар ниҳоятда қизиқувчан бўлиб, улар яхши кўриб қолган фильмларнинг айрим мусиқаларини ёки кўшиқларини тезда ёдлаб оладилар.

Талабаларнинг миллий мусиқий-эстетик тарбияси асосан қуйидаги шаклда амалга оширилади. Талабаларнинг миллий мусиқий-эстетик тарбиясига таъсир этувчи фикрлар, етакчи туйғулар: 1) ўқув маскани, турли фан ўқитувчиларининг ўзаро муносабати, тўғараклар (хусусан, мусиқа тўғараги), курсдошлари, дарсдан ташқари муассасалардаги мусиқа раҳбарларининг шахсий намуна бўла олиши. 2) Оила аъзоларининг оилага муносабати, оиланинг аҳиллиги, ўзаро ҳурмат ва эътибор, мусиқа санъатига бўлган қизиқиш. 3) Жамоатчилик, маҳаллада ва жамоат жойларида ўзаро ҳурмат, радио, телевидение, кино, театр, турли томошалар, тўй-ҳашамлар ва бошқалар киради.

Талабаларни миллий мусиқий-эстетик тафаккурини шакллантиришда маънавий-ахлоқий тарбия муҳим роль ўйнайди. Турли омиллар ичида унинг ўрни беқиёсдир, чунки болалик ҳаётини мусиқасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Куй-кўшиқ уларнинг шодлигига ҳам, қайғусига ҳам шерик бўлади. Яхши кўшиқдан таъсирланиб, уларнинг жўш уриб турган қалбида орзу-истаклар уйғонади. Яхшиликка, тўғриликка интилиш, уни асраш ва яратиш ўйлари пайдо бўлади, аксинча ёмонликка нисбатан нафрат, ғазаб ва қаҳр уйғонади, улар ижобий қаҳрамонга ўзларини қиёслаб яшашга интиладилар. Уларда инсон шахсига хос бўлган муҳим маънавий-ахлоқий сифатлар: ахлоқий онг, ахлоқий ҳислар, ватанпарварлик, айниқса, ўғил болаларда ҳарбий ватанпарварлик, эл-юртга, униб-ўсган масканига муҳаббат, Ўзбекистон герби, байроғи ва мадҳиясига ҳурмат, онгли интизом, инсоний туйғуларни эъзозлаш, илк севги-муҳаббат туйғулари айнан шу ёшда катта шижоат билан ривож топади.

Мусиқа санъати кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир этишдан ташқари, нафас олиш, қон айланиш, юрак уриши, мушаклар ҳаракатида ва катта мия биотокларининг ўзгаришига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши илмий асосда исботлаб берилган. Моҳир созанда, хизмат кўрсатган артист Турғун Алиматовнинг танбур ва сатода ижро этган “Чули йироқ”, “Муножот”, “Тановар” каби куйлари кишини чуқур ўйга толдиради, узоқ ўтмишни, ҳаёт кечинмаларини эслашга ундайди. Созанда Тоҳир Ражабовнинг қашқар рубобида ижро этган шўх ва дилрабо куйлари эса, тингловчига завқ-шавқ бахш этади, унинг чехрасини очади, кайфиятини кўтаради.

Қорақалпоқ халқ ҳофизлари, жыраў ва бахши созандаларидан: Айтжан Хожалепесов, Аңсатбай Қайратдинов, Ғайрат Өтемуратовлар ўта моҳирлик билан ижро этган асарлари талабаларни ахлоқий-маданий руҳда тарбиялашда катта кучга эғалигини кўрсак бўлади. Шунинг учун маданий-эстетик жиҳатдан тарбия топган киши, айти пайтда юксак ахлоқий фазилат эгаси ҳам бўлади. Талабаларни маданий-эстетик руҳда тарбиялаш ахлоқий-жисмоний тарбиянинг ажралмас қисми саналмоғи лозим, улар билан биргаликда ушбу жараённи олиб бориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон қарори. 2017 йил 28 июль.
2. Аннамуратова С. Педагогические основы художественно-эстетического воспитания старшеклассников, во внеклассные работы. Дисс. Докт.пед.наук. – Т., 1991. – 427 стр.
3. Артиков Н. Формирование нравственной личности учащихся на основе национальных и общечеловеческих ценностей: Дисс. Докт. Пед. Наук. – Т, 1998. – 320 стр.
4. Верб.М.А. Педагогические основы формирования эстетической культуры старших школьников / Ленинград. Пед. Ин-тим. А.И.Герцена. – Л.1980. – 80 с.
5. Ирзаев Б. Ўзбек мусиқа маданияти тарихи саҳифаларидан. – Т.: Академнашр, 2017. – 160 б.